

394/664 – عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: لَمَّا مَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَرَضَهُ الَّذِي مَاتَ فِيهِ، فَحَضَرَتِ الصَّلَاةُ، فَأُذِّنَ، فَقَالَ: «مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فليُصَلِّ بِالنَّاسِ». فَقِيلَ لَهُ: إِنَّ أَبَا بَكْرٍ رَجُلٌ أَسِيفٌ، إِذَا قَامَ فِي مَقَامِكَ لَمْ يَسْتَطِعْ أَنْ يُصَلِّيَ بِالنَّاسِ، وَأَعَادَ، فَأَعَادُوا لَهُ، فَأَعَادَ الثَّلَاثَةَ فَقَالَ: «إِنَّكَ صَوَّاحِبُ يُوسُفَ، مُرُوا أَبَا بَكْرٍ فليُصَلِّ بِالنَّاسِ». فَخَرَجَ أَبُو بَكْرٍ فَصَلَّى، فَوَجَدَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ تَفْسِهِ خَفَّةً، فَخَرَجَ يُهَادِي بَيْنَ رَجُلَيْنِ، كَأَبِي أَنْظُرٍ رَجُلَيْهِ تَحْطَّانِ مِنَ الْوَجَعِ، فَأَرَادَ أَبُو بَكْرٍ أَنْ يَتَأَخَّرَ، فَأَوْمَأَ إِلَيْهِ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنْ مَكَانَكَ، ثُمَّ أُتِيَ بِهِ حَتَّى جَلَسَ إِلَى جَنْبِهِ. وَكَانَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُصَلِّي، وَأَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي بِصَلَاتِهِ، وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ بِصَلَاةِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ؟ وَفِي رِوَايَةٍ: جَلَسَ عَنْ يَسَارِ أَبِي بَكْرٍ، فَكَانَ أَبُو بَكْرٍ يُصَلِّي قَائِمًا.

394.664 Асвад айтади:

«Оиша розияллоху анхонинг ҳузурларида эдик. Намозда бардавом бўлиш ва уни улуғлаш ҳақида гаплашдик. У бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам вафотлари олдидаги бетобликларида намоз вақти киргач, азон айтилди. У зот: **«Абу Бакрга буюринглар, одамларга намоз ўқиб берсин»**, дедилар. У зотга: «Абу Бакр кўнгли бўш одам, ўрнингизга турса, одамларга намоз ўқиб бера олмай қолади», дейилди. У зот (сўзларини) қайтардилар. Улар (ҳам сўзларини) қайтаришди. У зот учинчи бор такрорлаб: **«Албатта, сиз(аёл)лар Юсуфнинг соҳибалари(каби)сиз. Абу Бакрга буюринг, одамларга, намоз ўқиб берсин!»** дедилар.

Абу Бакр чиқиб, намоз ўқиди. Кейин Набий соллаллоху алайҳи васаллам ўзларини енгил ҳис қилдилар ва икки кишига суянган ҳолда чиқдилар. Дард сабабли у зотнинг оёқлари ер чизаётганини кўриб тургандекман ҳамон кўз ўнгимда. Абу Бакр орқага ўтмоқчи бўлган эди, Набий соллаллоху алайҳи васаллам унга «Жойингда тур», деб имо қилдилар. Сўнг у зотни олиб келиб, Абу Бакрнинг ёнига ўтирғизишди».

Аъмашга (ровийлардан бири:) «Набий соллаллоху алайҳи васаллам намоз

Ўқиганларида, Абу Бакр у зотнинг намозларига, одамлар эса Абу Бакрнинг намозига эргашиб намоз ўқишганимиди?» дейишган эди, у боши билан ишора қилиб: «Ҳа», деди.

Абу Довуд Шуъбадан, у эса Аъмашдан бу ҳадиснинг бир қисмини ривоят қилган.

Абу Муовия эса «У зот Абу Бакрнинг сўл ёнига ўтирдилар, Абу Бакр эса тик турган ҳолда намоз ўқир эди»ни қўшимча қилган.

Изоҳ: Юсуф алайҳиссаломнинг қиссаларида аёлларнинг турли қилмишлари, жумладан, Миср ҳукмдорининг хотини ва унинг кирдикорлари баён қилинган. Чунки ўша аёл зоҳирда бир ишни қилиб, ботинда бошқа нарсани кўзлаган эди. У зоҳирда уйига аёлларни чақириб, меҳмон қилган. Аммо аслида уларга Юсуф алайҳиссаломни кўрсатиб, хайрон қолдирмоқчи бўлган эди. Оиша онамиз ҳам ушбу ҳадисда «Абу Бакр юмшоққўнгил одам», демокдалар. Лекин аслида у киши имом бўлсалар, одамлар тарқаб кетмасмикан, деган маъно бор эди.

Манба: hadis.islom.uz

